

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МАҚБУЛЛАШТИРИШ

Эшимбетов Ғуломжон Султонбаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ички ишилар органларининг кадрлар билан ишилаш хизматларини такомиллаштириш борасидаги фикрлар ёритилди. Мазкур ислоҳотлар ички ишилар органлари зиммасига юклатилган вазифалар ижросини сифатли таъминлашида, фаолият самарадорлигини оширишида, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашида, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда алоҳида аҳамиятга эга.

Калим сўзлар: Халқ манфаатларига хизмат қилиши, ҳимоя қилиши, қонун, малака.

ABSTRACT

This article discusses the ideas on improving the work of law enforcement personnel. These reforms are of particular importance in ensuring the quality of implementation of the tasks assigned to law enforcement agencies, increasing the efficiency of activities, ensuring a peaceful and orderly life of citizens, as well as crime prevention and combating crime.

Keywords: serving the interests of the people, protection, law, qualification.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются идеи по совершенствованию работы сотрудников правоохранительных органов. Эти реформы имеют особое значение в обеспечении качества реализации возложенных на правоохранительные органы задач, повышении эффективности деятельности, обеспечении мирной и упорядоченной жизни граждан, а также предупреждении правонарушений и борьбе с преступностью.

Ключевые слова: служение интересам народа, защита, право, квалификация.

КИРИШ

Ўтган давр мобайнида ички ишилар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишилар амалга оширилди. Айниқса, ички ишилар

органларида хизматга қабул қилиш, кадрлар тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишининг илғор механизмларини жорий этиш, уларнинг малакаси, маънавий-аҳлоқий фазилатларини, салоҳиятини ошириш бўйича кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди.

Бу борада ички ишлар органларидаги бўш лавозимларни жамлашда биринчи навбатда, ўз қасбий фазилатлари, аҳлоқий хислатлари, хулқ-атвори ва маданият даражаси билан намуна бўладиган кадрлар заҳирасини шакллантиришнинг таъсирчан механизми яратилиши бевосита “ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан “Халқ манфаатларига хизмат қилиш”ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш”¹га хизмат қиласди.

Шунинг учун ҳам “ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиши ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан хуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш” ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ушбу устувор йўналишлар ижросини таъминлашда ички ишлар органлари кадрлар билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида бўш лавозимларни жамлаш, кадрлар заҳирасини яратиш ва барқарор профессионал кадрлар таркибини шакллантириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг худудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси этиб белгиланди. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш жараёнлари фуқароларни бевосита хизматга қабул қилиш чора-тадбирлари билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидаги хизмат давлат хизматининг тури бўлиб, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, конституциявий тузумни **химоя қилиш, қонун** устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва

¹ Ўзбекистан Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилишини таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 10 апрель ПФ-5005-сон Фармони.

профилактикасини таъминлаш бўйича вазифаларни амалга оширишга хизмат қиласди.

Барчага маълумки, бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш самара дорлигини ошириш ички ишлар органлари тизимини ҳар томонлама чуқур тайёргарлик кўрган кадрлар билан тўлдириш, уларни муентазам равишда жисмоний, маънавий-рухий тарбиялаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали таъминланади. Чунки, ходимлар касбий маҳоратининг даражаси ҳамда тажрибаси юзага келган тифиз вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга имконият яратади.

Шу сабабли ҳам, ходимларнинг юкори даражадаги касбий тайёргарлиги, маънавий-аҳлоқий тарбияси, жиноятчиликка қарши самарали курашни таъминлашдаги жавобгарлигини ошириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тизимини ривожлантириш ишларини ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши сифатида кўришимиз мумкин. Чунки, олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади.

Давлат ва маҳаллий органларининг хизматчилари давлат ва маҳаллий органларнинг манфаатларини кўзлаб, уларнинг номидан ҳаракат қиласдилар ҳамда давлат ва маҳаллий маъмуриятнинг вакиллари бўлиб ҳисобланадилар. Давлат ва маҳаллий органларнинг хизматчилари давлат ва маҳаллий органлар олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширадилар.

Давлат хизматчиларининг аксарияти ижро-фармойиш бериш (ташкиллаштириш) ваколатларини ва ижтимоий-маданий фаолиятни амалга ошириш билан шуғулланадилар. Фақатгина айрим давлат хизматчилари маҳсус давлат мансабларини эгаллайдилар, масалан, одил судловни ва прокурор назоратини (яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини) амалга оширадилар.

Ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган мансабидан келиб чиқувчи маълум бир вазифаларни бажариши керак. Давлат мансаби – бу давлат хизматчисининг иш (хизмат) жойи ҳисобланади. Ҳар бир давлат мансаби давлат хизматининг асосий элементларидан бири бўлган штат бирлигига киритилади. Штат жадвали давлат органи (ташкилоти)да ташкил этилган мансаблардан иборатдир.

Давлат ташкилотларида мансаблар давлат ҳокимияти субъектлари томонидан ташкил этилади. Хизматчи маълум бир мансабни узоқ вақт давомида (масалан, бутун фаолияти давомида) эгаллаши мумкин. Давлат

хизматчиси давлат органида фаолият юритиши жараёнида мансаб бўйича ҳаракатланиши мумкин, яъни давлат хизматида малака даражалар жорий этилган. Малака даражалар давлат хизматчисига бир мансабдан иккинчи мансабни эгаллашини (масалан, юқорига ёки пастга қараб ҳаракатланишини) белгилаб беради. Улар бутун профессионал ҳаёт жараёнида давлат хизматчисини давлат билан боғлаб туради ҳамда давлат ва жамиятдаги муносабатларнинг мувозанатини таъминлайди.

Бугунги кунда давлат хизматини янги босқичга кўтариш, хусусан, коррупцияга қарши курашишда унинг имкониятлардан унумли фойдаланиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Боиси, давлат хизматини ҳар соҳада кенгайтириш жамият тараққиётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва гуманитар соҳаларида катта самара бериши шубҳасиз. Мазкур ҳодиса ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг муҳим тенденцияси десак ўринли бўлади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, қуидагиларни таъкидлади: “Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, ҳалқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирchan жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт”².

Қонун устуворлиги ҳалқ ҳокимияти ва инсон ҳуқуqlари тушунчалари билан бевосита боғлиқ принципидир. Чунки ҳалқ ҳокимияти деганда фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этиш ҳуқуқи тушунилади. Шу маънода ҳалқ иродасининг ифодаси бўлган, фуқароларнинг парламентга сайлаб қўйган вакиллари орқали ёки ўзлари томонидан бевосита референдум орқали қабул қилинган қонунлар ҳалқ ҳокимиятчилигининг натижаси, мажозий қилиб айтганда, меваси ҳисобланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар воситасида ҳаётга жорий этилади, аслида қонунларнинг пировард мақсади ҳам инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатdir.

² Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод-буюк келажакнинг, тадбиркор ҳалқ-фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Ҳалқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.

Бу борада мамлакат Президенти Ш.М. Мирзиёев инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосий вазифаси ҳисобланган ички ишлар органларининг фаолиятига ҳам алоҳида эътибор бериб, унинг самарали фаолият олиб бориши учун бир қатор меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар имзолади. Бунинг яққол мисоли сифатида 2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни³ қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятини тартибга солишдан иборат бўлиб, унда қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда мазкур хуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиқлик ва шаффоффлик ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари эканлиги мустаҳкамлаб кўйилди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, ички ишлар органлари самарали фаолият олиб бориши учун бир қатор меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар имзолади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 июлдаги “Ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини ошириш чоралари тўғрисида”ги 147-сонли буйруғи билан ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини ошириш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек ходимлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунида белгиланган фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу хуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципига ҳар томонлама ва тўлақонли амал қилишларини таъминлаш ҳамда ходимларнинг муомала маданиятини яхшилаш ва уларнинг бу борадаги шахсий жавобгарлигини ошириш мақсад қилиб кўрсатилган.

Давлат хизматининг тўғри ташкил этилиши давлатда қабул қилинадиган қонун ҳужжатларига ҳам боғлиқдир. Давлат-хизмат муносабатларининг қанчалик хуқуқий тартибга солинганлик даражаси унинг ривожланиш

³ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрь “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон Қонуни / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 38 (746)-сон, 2016 йил 26 сентябрь.

тенденцияларини белгилаб беради. Давлатда мавжуд қонунчилик давлат хизматининг мазмуни ҳамда амалдаги ҳолатини кўрсатади. Давлат хизмати тизимида қонун ҳужжатлари қанчалик мукаммал ишлаб чиқилганлиги ва уни амалга ошириш механизмининг тўғри йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ички ишлар органларининг давлат хизматининг муҳим тамойилларидан бири – қонунийлик ҳисобланади. Ички ишлар органлари ўз фаолиятини қонунга ва улар асосидаги норматив ҳужжатларга биноан олиб боради. 1996 йилнинг 12 декабря БМТ Бош Ассамблеясининг 82-ялпи мажлисида қабул қилинган Давлат хизматидаги мансабдор шахслар хулқ-атворининг Халқаро Кодексига биноан, давлат лавозими давлат томонидан ишонч билдирилиб, давлат манфаатига қаратилган фаолиятни назарда тутувчи лавозимдир. Шу сабабдан, давлат хизматидаги мансабдор шахслар ўз мамлакатининг ҳокимият демократик институтлари вакиллигидаги давлат манфаатларига мутлақ содиқликни намоён этишлари лозим. Бу, ўз навбатда, давлат хизматчисини ўз вазифаларини ваколатли ва самарали, қонунга мувофиқ равишда, сидқидилдан бажаришга масъул этади.

Ички ишлар органи ходими давлат хизматчиси сифатида Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан таъминланган, касбий хизмат фаолиятининг моҳиятидан ташкил топган мажбурий ҳаракатларни бажаради. Ички ишлар органи ходими давлат хизматчиси сифатида давлат номидан ва давлат топшириги бўйича унинг манфаатларини ифодалаб ҳаракат қиласи, шунинг учун у ўз вазифасини Конституция қоидаларига мувофиқ тарзда бажариши керак.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Ўзбекистонда олий қадрият деб тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хуқуқлари таъминланишини янада мустаҳкам кафолатлаш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш борасида фқуаролик жамияти институтларининг ҳам ўрни бекиёс.

Мустақиллик, Конституция, фуқаролик жамияти ва демократия тушунчалари ўртасидаги узвий алоқадорлик мухим аҳамиятга эга. Зеро, мустақил мамлакатни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик янгиланиш, эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўли танлаб олинди. Бинобарин, бу йўлни ҳар ким ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айни пайтда ўз ҳаракатларини халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб бормоқда. Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий-тартибот фуқароларнинг қонуний ҳатти-ҳаракати билан барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг қонунларга риоя қилишлари улардан тўғри фойдаланишлари билан ўрнатилади. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталиктин қарор топтириш эса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг мухим шарти ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари мухим ўрин эгалладайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ички ишлар органлари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш вазифасини амалга оширадилар. Ўз ваколатларидаги ишлар бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадилар, тинчлик ва инсоният хавфсизлигини таъминлайди. Ички ишлар органлари вазифаларини амалга оширишнинг мухимлиги ҳуқукий давлатни шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида янада ошади. Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўгинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Биргина давлат хизматлари тизими тўғрисида тўхаталадиган бўлсак, 2018 йил 4

октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айrim маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” Қарори⁴ ички ишлар органларининг давлат хизматларини тартибга солувчи муҳим хуқукий асос бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

Амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятларга ташрифи давомида фуқароларнинг давлат хизматлари, шу жумладан онлайн давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича билим ва кўнижмаларини ошириш ҳамда Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиб келинаётган хизматларнинг ҳар бир оиласига кириб боришини таъминлаш бўйича берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Мактабгача таълим, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда “Электрон давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби” мавзусида ўқув-семинарлари ташкил этиш юзасидан ўзаро ҳамкорлик Меморандумлари имзоланди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлиги ва шаффоғлигини таъминлайди, уларнинг фуқаролар олдидаги масъулияти ва ижро интизомини кучайтиришга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 38 (746)-сон, 2016 йил 26 сентябрь.
2. Эшимбетов, F. C. (2022). ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(5), 185-192.

⁴ Қаранг: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2018 й., 09/18/797/1998-сон; 02.07.2019 й., 09/19/548/3362-сон, 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон, 30.12.2019 й., 09/10/1049/4245-сон; 15.01.2020 й., 09/20/24/0053-сон, 09.06.2020 й., 09/20/364/0739-сон, 29.09.2020 й., 09/20/593/1340-сон; 08.04.2021 й., 09/21/189/0303-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.12.2021 й., 09/21/774/1198-сон.